O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

140 СПОРТЧИ ОРАСИДАН...

Испаниянинг Линарес шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича анъанавий халқаро мусобақа якунланди. Унда 34 мамлакатдан 140 спортчи қатнашди.

Швейцария усулида ўтказилган ушбу мусобақада ватандошимиз Марат Жумаев 10 имкониятдан 7,5 очко тўплаб учинчи ўринни эгаллади. Ва халқаро гроссмейстер балини қўлга киритди.

■ **Ўз мухбиримиз**

«ТЕАТР — МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ»

Андижонлик мухбиримиз Аҳмадулло Солиевнинг телефон орқали берган хабарига кўра, вилоят маънавият ва маърифат кенгаши «Ўзбектеатр бирлашмасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган «Театр — маънавият бешиги» деб номланган тадбирлар асосида театр томошаларини ташкил этди. Дастурга асосан вилоят меҳнаткашлари 6 ой мобайнида Й.Охунбобоев номли вилоят мусиқали драма театрида, А. Бакиров номли ёшлар театрида сара асарларни томоша қилиб ҳордиқ чиқарадилар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси иккинчи йиғилишининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши 2000 йил 11 февраль куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 февраль соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

2000 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

№ 18 (25.568).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 февраль куни Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг «Ньюмонт майнинг» компанияси директорлар кенгаши раиси ҳамда бош ижрочи директори Рональд Кэмбри раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Юртимизнинг мазкур компания билан ҳамкорлигига 1992 йили асос солинган эди. 1995 йилда эса «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга туширилди. Суҳбат чоғида Президент Ислом Каримов ўзаро ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният билдириб, айниқса 1999 йил якунларидан зўр қониқиш ҳосил қилиш мумкинлигини қайд этди.

Маълумотларга қараганда, қўшма корхона бу йил олинган кредитлар бўйича мажбуриятлардан тўла қутулиб, дивиденд бера бошлайди. Меҳмонларнинг галдаги режалари эса сармоя ҳажмини янада ошириш билан боғлиқ.

Суҳбат чоғида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш борасида ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ЙИЛ ОЙ КУН

МИЛЛИЙ МАФКУРАНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида «Миллий мафкура концепциясини шакллантириш» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев йиғилишда сўзга чиқиб, Юртбошимизнинг маърузасида халқимизнинг орзу-истаклари ва миллий ғояни шакллантиришнинг аниқ йўллари белгилаб берилганини, миллий мафкуранинг мазмун-моҳиятини оммага, айниқса, ёшлар тафаккурига сингдириш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Семинарда жамиятимиз тараққиётини белгилайдиган асосий омилларнинг моҳияти, инсоният маънавий ҳаётига, илм-фанга юксак ҳисса қўшаётган миллий фалсафамиз жаҳон фалсафаси билан уйғун ҳолда кишиларда эзгулик туйғусини тарбиялашга хизмат қилаётганига эътибор қаратилди. Бугунги кунда олий ўқув юртлари, академик лицей ва коллежлар, мактабларда ўқитиладиган жамиятшунослик фани дастур ва дарсликларини миллий ғоямиз асосий концепцияларига мувофиқ тарзда янада такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

■ **Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири**

МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИ

Ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир Алишер Навоий билан бизни салкам беш юз олтмиш йиллик вақт ажратиб туради. Аммо шеърият султонининг ижодига мансуб ҳар бир сатр бугунги кун, бугунги ҳаёт билан жуда ҳамоҳанг. Зеро, эзгулик ҳеч қачон қадрини йўқотмайди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида буюк бобокалонимизнинг улкан мероси ҳақида гапирар экан, унинг асарларини янада кенгроқ ўрганиш, эзозлаш ва тарғиб қилиш маънавий бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, миллий қадриятларимизни, маънавиятимизни Ҳазрат Навоийнинг ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. У — миллий ғуруримиз, фахримиз ва юксак маънавиятимиз рамзидир.

Қувончлиси, Навоийнинг адолат асосига қурилажак давлат, эрк-озодлик, комил инсон борасидаги орзулари истиқлолимиз шарофати билан ҳақиқатга айланиб бормоқда.

Шу боис бугун бутун мамлакатимизда буюк мутафаккир таваллудининг 559 йиллиги зўр тантана билан нишонланмоқда. Меҳнат жамоалари, ўқув юртлари, кутубхона ва бошқа илм-маърифат масканларида ушбу санага бағишлаб қизиқарли учрашувлар, навоийхонлик кечалари бўлиб ўтаётир.

Улуғ шоир таваллуд топган кун — 9 февралда эрталабданоқ унинг муборак номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғи ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат арбоблари, ўқув юртларининг талабалари, жамоат ташкилотлари ва пойтахт меҳмонлари, адабиёт мухлислари билан гавжум бўлди.

Анжуманни Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э. Воҳидов, навоийшунос олим Н. Комилов ва бошқалар Навоийни англаш, унинг бебаҳо меросини ҳар томонлама ўрганиш адолатли давлат ва жамият қурилишида, комил инсонни тарбиялашда бебаҳо восита бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

Тадбир қатнашчилари Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

■ **(ЎзА)**

ХДП АХБОРОТИ

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР-КЕНГАШ

Ўзбекистон ХДП Тахтакўпир туман кенгашида худудий, бошланғич ва цех партия ташкилоти котибларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. У Ўзбекистон ХДП ташкилотининг III қурултойи якунлари ва галдаги вазифаларига бағишланди.

Семинар-кенгашда партия ташкилотларида иш режаларини тайёрлаш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш, ХДП аъзоларининг жамоат ишларида қатнашувини фаоллаштириш ва унинг назоратини амалга ошириш тўғрисида гап борди.

ХДПнинг янги Низомига киритилган ўзгартиришлар бўйича фикр алмашилди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон ХДП Тахтакўпир туман кенгашининг биринчи котиби О. Матниёзов партия ташкилотлари котиблари, партия аъзоларининг фаоллигини янада ошириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш, шунингдек, кам таъминланган, кўп болалик, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш ҳақида сўзлади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ТЕНТАК УНДАН ВА МАЛИКА»

Самарқанд чет тиллар институти талабалари дарсдан сўнг, бўш вақтларини кўнгилдагидек ўтказиш учун турли хил бадиий тўгаракларга қатнашмоқдалар.

Театр тўгараги қатнашчилари Жанубий Корея халқ оғзаки ижодидан "Тентак Ундан ва малика" спектаклини корейс тилида саҳнага олиб чиқдилар. Саҳнавий асарни Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Чэ Ёнг Ха ва корейс таълим марказининг директори, халқаро "Қайқа" ҳамкорлик бўлимининг раҳбари Хан Ёнг Де, элчихона ходимлари, профессор-ўқитувчилар талабалар билан бир қаторда мароқ билан томоша қилдилар, — дея хабар қилди мухбиримиз Лутфулла Мамасолиев.

ҚЎНҒИРОҚ

Кеча таҳририятга Сурхондарёнинг Қумқўрғон туманидан қўнғироқ бўлди:

— Ўзбекистонда ҳам ҳаётий манзаралар акс этган фильмлар яратилмоқда. Кишини ўйлантирадиган, таъсирчан, қизиқарли воқеаларга бой сценарий асосида яратилган бундай фильмлар ҳар биримизни ён-атрофимизга жиддий назар солишга ундайди. Мен шу кеча-кундузда «Ёшлар» канали орқали берилаётган «Занжир» фильми хусусида гапираяпман.

Гапнинг очиғи, ушбу фильм Россия телевидениеси орқали берилаётган бадиий фильмлар билан бир вақтда эфирга узатилса-да, лекин «Занжир»чалик ҳеч бири диққатимизни тортаётгани йўқ. Бунинг учун Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоасига миннатдорчилик билдирамиз, — деди Абдумажид Тўраев телефон орқали.

МИЛЛИОНЕР ТАЛАБА

Яқинда бўлиб ўтган «Спортлотто»нинг 149-тиражи якунлари кўпчилик кўнглида ҳавас уйғотди. Чунки Фарғона политехника институтининг учинчи курс талабаси ҳақиқий миллионерга айланди — у салкам 84 миллион сўмлик ютуқ соҳиби бўлди. Бошига бахт қуши қўнган ватандошимиз шаҳрихонлик Адҳамжон Қодировдир.

«ЯХШИЛАР ИЧРА ВАТАН...»

Навоий бобомизнинг табаррук номлари ҳар бир ўзбек учун жаҳон адабиёти кошонасида фахр билан кўрсатишимиз мумкин бўлган гувоҳномадир. Халқимиз улуғ шоирини асрлар давомида бир дақиқа бўлсин ҳам унутган эмас. Бунинг сабаби наинки ифтихор, балки бу беназир ижоддан баҳраманд бўлиш истагидир. Қанча даврлар ўтди, бироқ вақтнинг шафқатсиз оқими шоир абадиятига заррача кор қила олган эмас. Халқимизнинг ҳур фикрини, ғуруруни писанд қилмайдиган зўравон мафкураларгина Навоий ижодини юзаки ташвиқ қилишдан манфаатдор эдилар. Шу маънода, Истиқлол биз учун Навоий кошонаси томон ҳам кенг ва ёруғ йўл очиб берди. Биз энди тўла маънода ушбу кошонада сайр қила оламиз. Унинг нақшу нигорларидан баҳра ола биламиз. Юртбошимиз худди ана шу мақсадни кўзда тутиб бобомиз ижодини янада чуқурроқ ўрганишга даъват этаётирлар, ниятларимизнинг ижроси учун астойдил кўмак бериб, муттасил ғамхўрлик қилаётирлар. Келгуси йил Навоий бобомиз таваллудига 560 йил тўлади. Бу қутлуғ санани нишонлаш учун саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган. Асосий гап, албатта, шоир ижодининг халқ дилига, қолаверса, ҳар бир хонадонга нечоғлик табиий равишда кириб боришидадир. Тўғри, Навоийшунослик фани бир жойда тўхтаб турган эмас. Тўғри, шоир ғазалларини ҳофизларимиз туну кун мароқ билан ижро этаётирлар, лекин бобомиз ижодидан халқимизнинг барча қатламлари тўла баҳраманд бўлмоғи учун ҳали кўп ишлар қилмоғимиз лозимдир. Бобомизнинг муаззам ҳайкали пойига ҳар куни қанчадан-қанча келин-куёвлар, қанчадан-қанча фарзандларимиз ихлос билан гуллар қўядилар. Улар ўзлари эҳтиром кўрсатаётган бобокалоннинг ижодидан етарли даражада хабардормилар? Ҳар бир фарзандимиз шоир ижодидан бирор байт ёд айтишини ёхуд келин-куёвлар бир-бирларига сеп жўнатарканлар унинг орасида дейлик «Хамса»нинг ҳам бўлмоғини орзу қиламиз. Албатта, бу ҳурмату эътиқод кўр-кўрона бўлмаслиги керак. Қадимдан қолган бир гап бор: Ҳар бир нарсани севиш учун ҳам ёки ёмон кўриш учун ҳам аввало уни яхши билиш керак. Президентимиз бизларни Навоий ижодини айнан билишга, билганда ҳам теранроқ билишга чорламоқдалар. Навоий ижодидан лоақал бир ялам бол татиган кишининг қўли ҳеч қачон ёмонликка бормайди, деб ўйлайман. Бу ижод наинки руҳиятимизни, балки ақлу фикриятимизни ҳам бойитадиган, чархлайдиган қудратли ижоддир. Бу ижод фақат яхшиликка, фақат эзгуликка чорлайдиган ижоддир. Ҳазрат Навоийнинг соддагина қилиб айтган биргина мана бу ўгитига эътибор қилайлик:

Яхшилар ичра Ватан
тутса Навоий, не тонг,
Кимки ёмонлар ила бўлди,
ёмон бўлдило.

Бундай ҳикматлар бобомиз ижодида минг-минглабдир.

■ **Абдулла ОРИПОВ**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ИШГА ЖОЙЛАШАДИГАН БЎЛДИ

Ҳурматли бош муҳаррир!

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят Кенгаши Сизнинг шу йил 4 январь куни фуқаро Иброҳимова Муборакхон иши юзасидан йўллаган хатингизга жавобан шуни маълум қиладики, 2000 йил 24 январь куни Фарғона шаҳар ХДПси биринчи котиби О. Шодиев, иккинчи котиби А. Денисова ва Қиргули тумани ҳудудий партия ташкилоти котиби Маҳмуджоновалар иштирокида фуқаро М. Иброҳимова хонадонига бориб суҳбатлашилди. Ҳақиқатда фуқаро М. Иброҳимова ишга жойлашиш учун туман меҳнат биржасига мурожаат этган. Туман меҳнат биржаси томонидан Фарғона кимёвий толалар корхонасига йўлланма бўйича ишга қабул қилинмаган.

Ҳозирги кунда туман 6-касб-ҳунар мактабида тарбиячи вазифасида ишламоқда. Лекин ушбу вазифа унинг оилавий шароити сабаб қониқтирмаяпти.

Суҳбат давомида мутахассислиги бўйича Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш корхонасида ёки Фарғона сунъий чарм ишлаб чиқариш заводида ишлаш хоҳишини инобатга олиб, юқорида кўрсатилган корхона раҳбарлари билан гаплашиб, бир ҳафта муддат ичида ишга жойлаштириш бўйича келишиб олинди.

Фуқаро М. Иброҳимова бизнинг суҳбатимиздан қониқиш ҳосил қилди.

■ **Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят Кенгаши биринчи котиби А. ЭГАМБЕРДИЕВ**

НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

АБАДИЯТ ТОҒЛАРИ

Ўзбекистонимизнинг тоғлари кўп: Боботоғ, Бойсунтоғ, Чотқол, Чимён, Нурота, Ҳисор тоғи, Шоҳимардон тоғлари... Улар шу қадар осмонўпарки, баъзан қуёш ҳам ўзини шу тоғлар кафтидаги қушдек ҳис этса, ажабмас.

Тоғларимизнинг тоза ҳавосидан кўкрагингизни тўлдириб нафас олишни, юксаклигини кўриб ҳайратланишни ният қилсангиз, йўл ва сафар заҳматини чекишга, тоғларга дўст тутиниб, яқинроқ боришингизга тўғри келади. Аммо...

Ҳар бир миллатнинг маънавий тоғлари ҳам бўлади. Бу тоғлар курраи заминнинг ҳар нуқтасидан кўзга яққол ташланиб туради. Миллатнинг ғурури, ор-номуси, шон-шарафини белгилайди. Ўз елкасида тарихни, даврлар ва замонларни кўтаради. Халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида сўз борганда, жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси ва дунёда тутган ўрнини белгилашда шу тоғларнинг залвори, миқёс ва юксаклиги асосмезонга айланади. Шу тоғларнинг тафаккуридан, тўғриғоғи тафаккур тоғларидан фикрингизни қувватлантириш, шу тоғлардаги булоқлардан қайнаб чиқаётган маънавиятдан, тўғриғоғи маънавият булоқларидан қалбингизни кучлантириш эҳтиёжи туғилса, дунёи дуннинг қай кунжида бўлманг, кўҳна китобларнинг замонлар эпкини эсиб турган саҳифаларини варақласангиз - кифоя.

Ўзбекнинг даҳо тоғлари кўп: Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур... Улар жисман ёруғ оламни тарк этишган бўлсалар-да, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир миллатдошимиз қалбида тирик, биз билан бирга нафас оладилар. Бундай зотлар агар бизга замондош бўлсалар, ҳаётлик чоғларидаёқ исми шарифлари абадийлик китобига битилади. Улар юксак тоғлар қаторига янги силсила бўлиб қўшилишига, номлари асрлар оша Мангуберди, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур ва бошқаларнинг номлари билан бирга тилга олинишига шубҳа йўқ. Зеро, не-не жафоларни, не-не кулфатларни кўрган, мустамлакачиликнинг жабр- зулми-ю, ҳийла-найранг тузоғидан омон қолган Ватанимизнинг боқий мустақиллигига, тўғриғоғи мустақиллигимиз боқийлигига илдизи минг йилликларга етган абадият тоғларидан тамал-пойдевор қўйиш учун миллат сардорига ҳам шу тоғлардек юрак, шу тоғлардек жасорат, шу тоғлардек тафаккур керак эди. Ҳазрат Навоий лутф этганларидек, улуғларнинг, яъни «шерларнинг панжасига панжа уриш», буюкларга хос қадамлар ташлаш учун ҳам инсонда шу улуғларга, шу буюкларга хос сифатлар, фазилатлар бўлмоғи лозим.

ВАТАН ХЎРЛАНГАНДА, ТАРИХ ТАҲҚИРЛАНГАНДА...

Алишер Навоий ҳазратлари беш аср илгари «халқимга қайтаман» дея нидо чеккан экан. Шоирнинг халқимизга чин маънода қайтиши учун беш аср... ва яна бир асрнинг нари-берисича муддат... ва яна Ватан озодлиги... ва яна озод юртга, Навоий орзу қилганидек, одил раҳнамо керак бўлди.

Бешикнинг уйга, боланинг онага, қуёшнинг осмонга қайтиши учун беш аср керак бўлди.

Йигирманчи йилларнинг ўрталари. Собиқ шўролар тузумининг қаҳратон сиёсати олис Қашқадарёнинг чекка қишлоқларидан бўлган Қамашига ҳам ҳаммаёқни изиллатиб кириб борган. Юракларга ғулғула солувчи форма кийган кишилар уйма-уй юриб одамларни «хатга туширишган» (ҳатто бешик-беланчакларни ҳам очиб кўришар экан), қўлга илингудек нарсаларни тортиб олишган.

Хонадонлардан бирига кириб, чойнак-пиёла, шолча (ўша пайтларда бойлик саналган бўлса керак-да) каби кундалик турмуш учун керак бўлган оддий ашёларни олиб чиқишган. Бошини эгиб, бешикни тебратиб ўтирган аёлдан, нега боланг йиғламаса ҳам бешикни тебратяпсан, деб сўрашган. Ёлғон гапиришни билмаган аёл довдираб қолганми ёки бешикнинг ғайриоддий тебраниши шубҳа уйғотганми, «она»ни четга суриб, бешикни очиб кўришган. Бешикда худди боладек беланган китоблар «ётар» эди. Уй қайтадан тинтув қилинади. Ҳаммаёқ қазиб, кавлаб кўрилади. Аммо бошқа ҳеч нарса топишолмайди. Китоблар ҳовли ўртасида қишлоқ аҳлининг кўз ўнгида ёқилган. Бу ерда катта тадбир уюштирилган. Шўро мафкурасини ҳаётга ёйиш учун нутқлар ирод қилинган. Кўп ўтмай, китобларни яширган хонадон соҳиби ва соҳибаси бир гуруҳ «халқ душманлари» билан бирга Сибирга сургун қилинади.

Ўша китоблар қанақа китоблар эди, дея сўрасангиз, бир неча диний, тиббий-илмий китоблар орасида Ҳофиз, Мирзо Бедил, Алишер Навоий, Машраб асарларининг нодир қўлёзмалари, барчаси мўътабар ва ноёб китоблар бўлганини айтишади.

Ватан хўрланганда, тарих таҳқирланганда Навоий ҳам, навоийлар ҳам камситилди.

Бир қарашда мактабларда, олий ўқув юртларида даҳо шоир ижоди ўқиб-ўрганилаётгандек туюларди. Аммо амалда Навоий даҳосига муносиб ҳурмат-эҳтиром бажо келтирилмасди. Энг аввало, улуғ миллат вакиллари, кейин унга яқин халқлардан етишиб чиққан намояндалар, шулардан кейин, ўшанда ҳам саноқни кўпайтириш учунгина буюк бобомизнинг номи тилга олинарди.

Кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга адибларимизнинг ҳикоя қилишларича, истибдоднинг машъум йилларида Навоийни шоир сифатида адабиёт саҳнида қолдириш-қолдирмаслик масаласи кўндаланг қўйилганини кўпчилик бугун ҳатто билмайди. Аммо шу масала муҳокама қилинган нуфузли йиғинда ҳайъат аъзолари Алишер Навоий ҳазратларини аллақачон қирилиб кетган миллатга мансуб деб топган, бу миллат қирилиб кетганлиги сабабли Навоийнинг ҳам миллати йўқ деб «хулоса» беришган.

Истибдод сиёсати халқимизни шундай улуғ шоиридан маҳрум қилишгача бориб етган.

Навоий яратган инсонпарварлик мактабини бузишга, бадиият боғини поймол этишга, ошиқ кўнгил эккан гулларни халқимиз қалбидан юлиб ташлашга кейин ҳам кўп уринишлар бўлган.

Шу сабабли мактабларда ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг ижодини ўрганиш зерикарли туюларди. Уйга келганда эса...

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Оппоқ соқоли кўксига тушган Махсум домла кўҳна лавҳ устига энгашиб, эски китобнинг титилиб кетаёзган варақлари узра сатрма-сатр бармоғини юргизиб, оҳангга солиб ўқирди:

Ким бу боғ ичра ҳирмон эрур,
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур...

Меҳмонхонага киришим билан отам ёки тоғам болалар ўтириши керак бўлган жойни ишора билан кўрсатар, Махсум домла ўзи ўқиётган сатрлар оҳангидан масту хумор бўлгандек бир маромда тебранар, маҳзун овози барчанинг юрагини сел-себор қилиб эзиб юборарди. Ёд бўлиб кетган байтларни баъзан кўзларини юмиб, баъзан бизни кузатиб қироат қилса-да, кўрсатгич бармоғининг учида кўзи бордек, сатрлар узра бир текис бориб келаверарди. Баъзан тўрт-беш, баъзан кўпроқ байт ўқир, маъносини батафсил изоҳлар, сўнг «ана энди» дея яна ўқишда давом этарди. Ҳеч қачон тутилиб қолмас, адашмас, жудаям ҳозиржавоб эди. Ўқитувчилардан кўра Махсум домланинг сабоқлари қизиқарлироқ туюларди.

— Навоийнинг исталган битта байтини ўқинг, у инсон боласининг қўли билан ёзилганига ақл бовар қилмайди. Қанчалар илоҳийлик, юксаклик! — дейди ёш шоир ҳаяжон билан. — Юз минглаб байтни шу даражада маҳорат билан битиш эмас, ҳатто оддийгина қилиб қоғозга кўчириб чиқиш учун ҳам қанча сабр-бардош керак инсонга. Шунинг ўзи бир одам учун умрлик меҳнат бўларди...

НАВОИЙ БОҒИ

Бугун истиқлол туфайли Мир Алишер Навоий ҳазратлари нечоғлик иззат-икром топаётганлигини барчамиз кўриб турибмиз. Мустақиллик Алишер Навоийни чин маънода миллатга қайтарди. Қанчадан-қанча ломакон навоийларимиз, сарсон тарихимиз, овора маданиятимиз яна ўз бешигига — Ўзбекистонга қайтди. Дунёнинг бирон-бир мамлакатида шоир номи билан аталадиган вилоят бўлмаса керак.

Эсингизда бўлса, истиқлолга эришишимиздан бир неча ой илгари Юртбошимизнинг ташаббуси билан 1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинганди. Мустамлакачилик сиёсатининг пўлат занжирлари ҳали оёқ-қўлларимизни кишанлаб, онг-шууримизни исканжага олиб турган ўша йилларда Алишер Навоий номини олий даражага кўтаришга журъат қилиш ҳам ўзига хос жасорат. Бунинг учун таъқибга учраш, бадном бўлиш ҳеч гап эмас эди.

Буни яхши англаган республиканинг аввалги раҳбарлари тарихимизга, миллий қадриятларимизга қандай муносабатда бўлганликлари, қандай «ҳунар»лар кўрсатишгани маълум.

Озодликка эришувимизни тезлаштириб юборган сўнгги вазиятлардан анча илгари бутун йилни улуғ ватандошимиз номи билан боғлаш, шу тариқа миллий адабиётимиз, миллий тарихимиз, миллий маданиятимизни истибдод тузумининг омонат қўғирчоқ ҳайкалларига қарши қўйилиши ўша пайтдаёқ маънавият ва маърифат республика раҳбари томонидан мустақиллигимизнинг асос-пойдеворларидан бири сифатида қадрланганини кўрсатади.

1991 йил — Мустақиллик насиб этган йилда Ўзбекистонимизда Алишер Навоий ҳазратларининг умр ва ижод тўйлари — қутлуғ маърака йил бўйи давом этган. Бу тўй ёш мустақил давлатимизнинг биринчи миллий байрамига, қадриятларимизни улуғлайдиган байрамга айланган. Бу тўй эндигина ҳуррият эришган халқимиз, Ўзбекистонимиз ҳаётига алоҳида файз, тароват бағишлаган эди.

Катта ишларнинг хайрли давом этиши кўп жиҳатдан уларнинг қандай бошланганига боғлиқ. Шу маънода, мустақиллигимизнинг илк йили Алишер Навоий номи билан аталишида рамзий маъно бор, десак янглишмаймиз.

Алишер Навоий йили деб эълон қилинган 1991 йил юртимиз, элимиз тарихида қутлуғ келди, унутилмас сана бўлиб қолди. Халқимизнинг асрий орзу-умидлари амалга ошди. Ўзбекистонимиз ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилди ва ўз тақдирини ўзи ҳал қиладиган бўлди.

Ушанда Президентимиз мустамлакачилик сиёсати осонлик билан жон бермаслиги, Озодлик ва мустақиллик йўли машаққатли, ғоятда оғир бўлишини, ҳали кўп синовлардан ўтишга тўғри келишини таъкидлаб: «... **Халқимизни доим бирдамликка, бир-бирига ҳамнафас ва ҳамдард бўлишга чақирган улуғ бобокалонимиз олдида, келинглар, бир-биримизга сўз берайлик, — деган эдилар. — Озодлик ва Истиқлол йўлида, бу эзгу ниятларни ҳаётимизга амалий татбиқ этишда бир жон, бир тан бўлайлик! Ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтмайлик. Агар халқимиз жипслашса, хоҳиш-иродамиз бир бўлса, бизларни ҳеч қандай куч енголмайди».**

Бу сўзлар айтилган чоғда Мустақиллик Декларацияси эълон қилинганига ҳали бир ой ҳам тўлмаганди...

Бу содда, теран маъноли, юрак-юракдан чиққан сўзлар нафақат давлат раҳбарининг оққўнгиллик билан айтган сўзларига, балки унинг ҳаёт қоидасига, халқимизнинг ҳаёт мезонига айланди.

Улуғ Навоий ўз Ватанига, халқимизнинг бағрига қайтди. Жароҳатли қалбларга малҳам бўлиб, пойтахтимиз бағрига ярашиб тушган бетакрор ва чароғон боғ бўлиб қайтди.

Навоийнинг ўзи беш аср илгари шундай боғлар барпо этишни, ундан ёшу қари — бутун халқ баҳраманд бўлишини орзу қилмаганмиди! Чархнинг эврилишини кўрингки, орадан беш аср ўтиб, мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта шундай боғ яратилди. Унга Алишер Навоий номи берилди. Бу кўркам ва муҳташам боғ Ватанимиз тарихидаги биринчи Миллий Халқ боғи бўлганини биласизми? Ўз танангизга мулоҳаза қилиб кўринг: шўролар даврида боғларимизни «миллий халқ боғи» дея олармидик?

1991 йил 28 сентябрда Йўлбошчимиз пойтахтда Алишер Навоий ҳайкали ва миллий боғининг очилиши маросимида иштирок этган. Мустақил Ўзбекистоннинг энг биринчи умумхалқ байрами ҳам ҳазрат Навоийнинг муборак номи билан боғлиқ, яъни тўй деса тўй, байрам деса байрам дегулик мана шу тадбир эди. **«Мен ишонаманки, — деганди ўшанда Президент, — Навоий ҳайкали, боғи шаҳримизнинг, диёримизнинг энг гўзал ва асосий зиёратгоҳи бўлиб қолади».**

Худди шундай бўлди ҳам. Мамлакатимизга ташриф буюрган барча давлат раҳбарлари — Президентлар, Бош вазирлар, давлат ва жамоат арбоблари шу музайян бўстонга қадам ранжида қилишади. Гулшан хиёбонларни сайр этиб, улуғ шоирнинг салобатли ва муҳташам ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишади. Таъзим ва ҳурмат бажо келтиришади.

Сайилгоҳда халқимизнинг катта тантаналарини нишонлаш, жумладан ҳар йили баҳор ўз сепини ёйганда Наврўз шодиёналарини ўтказиш яхши анъанага айланди. Бу қувноқ ва шод-хуррам давраларга барча вилоятлардан оддий одамлар оқиб келади. Наврўз гўё шу ерда бошланиб, бутун мамлакатимизга ёйилади. Навоий боғи — миллий боғимиз, дарҳақиқат, ёшларимизнинг ҳам, қарияларимизнинг ҳам севимли ва мароқли оромгоҳи, ижод аҳли учун илҳом маскани бўлиб қолди. Каттақўрғонлик кекса шоир Навоий ижоди ҳақида гапира туриб, ҳар йили икки марта Навоий боғини, ҳайкалини зиёрат қилмасам, кўнглим жойига тушмайди, дейди.

Боғ, айниқса, баҳор ва ёзда ўзгача тароват касб этади. Боғни сайр этиш, зилол кўлга термулиб хаёл суриш, фавворалар салқинида бир зум нафас ростлаш учун бутун мамлакатимиздан одамлар ёғилиб келади.

Бундай боғлар Ватанимизда битта-иккита эмас...

Ҳазрат Навоий шундай кунларни, шундай боғларни орзу қилмаганмиди?!

Истиқлол ва унинг ижодкори туфайлигина Навоий бизга улкан боғ бўлиб, юксак тоғ бўлиб қайтди.

НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Ўз тарихи ва аждодларини сийлаган халқнинг келажаги албатта порлоқ бўлади. Шу қоидага амал қилган Ўзбекистон раҳбари фаолиятининг биринчи кунларидаёқ Навоий даҳосига ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Иззатини жойига қўйди. Зеро, 1991 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Фанлар академияси Адабиёт институтига Алишер Навоий номини бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Буни қарангки, етмиш йил давомида адабиёт соҳасидаги илмий-тадқиқот институтига адабиётимиз дарғаси Алишер Навоий номини бериш имкони бўлмай келган эди.

Кўпчилик яхши эсласа керак, 1991 йил 25 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотини бериш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган. Мукофотлар Абдулла Қодирийга, Абдулҳамид Чўлпонга, Абдурауф Фитратга (барчасига вафотидан кейин) ва бошқа бир қанча таниқли адиб ва санъаткорларга берилган эди.

Ушанда кўпчилик қалам аҳли, озодлик туфайли ниҳоят тарихий адолат тикланди, дея энтикиб қўйганди. Зеро, мустамлакачилик йилларида Қодирий, Чўлпон, Фитратнинг Навоий мукофоти билан тақдирланишини тасаввур қилиб бўлармиди?!

Ўтган йилларда озодлик йўлида жон фидо этган мунаввар-ларимизнинг номлари бирин-кетин оқланди. Хотираси абадийлаштирилди. Асарлари нашр этилди ва этилмоқда. Уларнинг юбилейларини кенг нишонлаш ҳақида фармонлар, қарорлар чиқиб турибди.

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги арафасида ўнлаб ёзувчи-шоирларимиз ҳукуматимиз мукофотлари билан тақдирланишди. Қаламкашнинг меҳнати ҳеч замонда бугунгидек қадрланганмиди?

Халқимиз ўз адабиёти, ўз тарихи, ўз маданиятидан руҳий қувват олмоқда.

Мустақиллигимизнинг биринчи йили 22 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодий арбоблари жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган.

Бир йил ўтиб, Мустақиллик байрамининг бир йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон ижодий ёшларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон чиқарди.

1993 йил майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилганди.

Бу қарор ва Фармонлар адабиёт ва санъат арбобларининг, хусусан ёш ижодкорларнинг ижодий фаоллигини янада кўпроқ рўёбга чиқариш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ҳамда ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Шу тариқа пойтахтимизда ҳам, вилоятларда ҳам кўплаб ижодкорлар — ёш санъаткор ва қаламкашлар, рассом ва архитекторлар уйли-жойли бўлишган ва бўлишмоқда.

1993 йил яна бир унутилмас воқеа билан қаламкашларнинг, бутун халқимизнинг ёдида муҳрланиб қолган. Президентимиз Ислом Каримов шу йил май ойида улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллигига бағишланган тантанада катта нутқ сўзлаб: **«Ғафур Ғулом асарларининг кўпини ўқиганман, у кишини, аввало, ҳаётни яхши кўрган ва ҳаётга кўп таъсир ўтказган, кўп шогирдларни қолдирган ижодкор сифатида биламан... Ғафур Ғуломнинг ижоди бизлар учун, албатта, табаррукдир»,** — деган эдилар. Ушанда академик шоиримизнинг барча шогирдлари — бугунги қаламкашлар тўлиб-тошиб ижод қилиш, халқимизнинг маънавиятини бойитиш ишига ҳисса қўшиш замони келганини дилдан ҳис этишганди.

Ўша воқеалар кўз олдингдан бир-бир ўтар экан, ўйланиб қоласан, киши: озодликни эндигина қўлга киритиб, бир тузумдан мутлақо бошқа жамиятга ўтаётган ёш давлат ва унинг раҳбари олдида ижодкорлар, умуман маданият муаммоларидан бошқа муҳимроқ масалалар йўқмиди?

Шу ўринда такрор бўлса-да, айтиб ўтишга тўғри келади: Йўлбошчимиз келгусида маънавият ва маърифат истиқлолимизнинг таянч-асосларидан бири бўлиб қолишини кўра билган эди.

НАВОИЙ АВЛОДЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ...

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кекса адиблардан бири шундай деганди: «Қадимдан ёзувчининг битта дарди бўлган. У ҳам бўлса — халқ озодлиги, Ватан мустақиллиги. Ҳақиқий ёзувчининг бундан бошқа дарди бўлган эмас. Биз 130 йилча шу орзу билан яшадик. Ниҳоят, халқимиз мустақилликка эга бўлди».

«Ёзувчилар, зиёлилар доимо халқнинг маънавий баркамоллиги, инсоний қадри топталмаслиги учун жон қуйдириб келган, — деган эди яна бир кекса адиб. — Истибдод йилларида биз қорнимизга эмас, қадримизга йиғлаганмиз».

Бу сўзларда бутун-бутун авлодларнинг юрагида силқиб ётган асрлик дард, ҳасрат, алам акс этган.

Ижодкорнинг ўзи бир олам. Шахс сифатидаги қисмати ҳам, яратган асарларининг қисмати ҳам халқ тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Ватан озод, халқ эркин, мамлакат мустақил бўлса, ижодкор учун бундан ортиқ саодат йўқ.

Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ижодкор ва шахс сифатидаги тақдири фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Шарқда қадим-қадимдан ҳукмдорлар ва юртнинг бошқа нуфузли кишилари билан шоиру шуаро, фозилу фузало ўртасида ўзига хос муомала-муносабат анъанаси мавжуд бўлган. Машварат ва мажлисларда янги асарлар учун мавзулар, янги-янги ғоялар туғилган. Мамлакат сиёсатида эса, шундай учрашувлар таъсирида, келажакка солинажак йўллар белгиланган.

1993 йил апрелда Ислом Каримов бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашув чоғида: **«Сизларда Аллоҳ ато этган талант бор, — деган эди. — Истеъдодсиз одам ёзувчи бўлолмайди, бу кўчага тасодифан кириб қолган дарров билинади. Сизларнинг меҳнатингиз, ҳар бир каломингиз зарур, чунки у маънавий озиқ деган гап».** Қаламкашнинг машаққатли меҳнати бундай юксак даражада эътироф этилиши ёзувчи-шоирларимизнинг руҳини янада кўтарди. Янги-янги асарлар яратишга илҳомлантирди.

Давлатимиз раҳбари ўша йилларда айтган, мустақиллик фақат нон билан чой эмас, у, аввало, одамни одам қиладиган, миллатни миллат қиладиган маънавият эканлиги ҳақидаги гаплар тиллардан тилларга кўчиб юради.

Алишер Навоийнинг таваллуд тўйлари муносабати билан айрим фикрларни хаёлдан кечирар экансиз, мавзудан четлаб кетмаётганмиканман, деган истиҳола кишини ўйлантиради. Ахир, Навоий даҳосига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром унинг тақдирдошларига, авлодларига, бугунги кунда адибларимизнинг иззатланиши эса, айни пайтда Алишер Навоийга ҳам кўрсатилаётган иззат-икром эмасми?! Бундан ҳазратнинг руҳлари фақат шод бўлмайдими?

Президентимиз юксак минбардан туриб, халқимиз сайлаган депутатлар олдида севимли шоиримиз Абдулла Орипов ҳақида, Абдуллажонга Худо берган. Бунақа инсонлар, бунақа зотлар камдан-кам бўлади, деганларига ҳаммамиз гувоҳмиз. Юртбошимизнинг Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Эркин Воҳидов ва бошқа оқсоқол адиблар ҳақидаги ҳароратли гапларини кўп бор эшитганмиз.

Тарих эврилиб, улуғ сўз заргари бундай саодатли онларнинг шоҳиди бўлганида, ким билсин, истиқлол ҳақида, салтанат жиловини қўлида тутган донишманд инсон ва оддий ижодкорларнинг муносабатлари ҳақида янги достон битган бўлармиди...

ТОПДИ ДАВРОН ИЧРА ЭЪТИБОР...

Шу кунларда нафақат диёримиз, балки мутафаккир шоирнинг ўлмас ғояларига бешик бўлган она-Шарқ, унинг ижодини билган, ихлос билан ўрганган бутун дунё ҳам улуғ Навоийнинг таваллуд байрами шукуҳи билан яшаяпти. Мактабларда, олий ўқув юртларида навоийхонликлар, илмий анжуманлар давом этмоқда.

Президентимиз 1999 йил декабрда Навоий вилояти меҳнаткашлари билан сайловолди учрашувларида, улуғ шоиримизнинг катта тўйини шу ердан бошласак, нима дейсизлар, дея савол ташлаганида тўпланганлар, Навоий вилоятининг бутун халқи ушбу таклифни қўллаб-қувватлаган эди. Бу тўй, бу байрам Навоий вилоятидан бутун мамлакатимизга, мамлакатимиздан бутун оламга ёйилди, десак муболаға бўлмайди.

Яқинда бир танишимнинг ўғли шундай деб қолди: Бизга мактабда Алишер Навоийни, «Бобурнома»ни ўқитишади, ғазал, достонларни тушуниш, умуман бундай оғир тилда ўқиш осон эмас-ку? Унинг ўрнига тили равонроқ шоир-ёзувчиларнинг ижоди ўқитилса, яхши эмасми?

Шунда мен ўйланиб қолдим: биз Алишер Навоийни нега севамиз, эъзозлаймиз, нега асарларини ўқиб ўрганамиз?

Шу ўринда Юртбошимизнинг катта анжуманлардан бирида Навоий ижоди ҳақида афсус билан айтган сўзлари ёдимизга тушади: **«Бизлар бормиз, мерос бор, улуғ, беқиёс, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган мерос бор. Шу мерос ёнимизда турибди. Ундан тўла баҳраманд бўлиш эса бизларнинг қўлимиздан келмаяпти».**

Назаримизда, ушбу муаммонинг илдизи чуқур. Бунинг энг биринчи айбдори, аввало, халқимизни кўп йиллар давомида ўз тарихидан, жумладан адабиётидан узиб қўйишга интилган истибдод тузумидир. Шу тузум «меваси» сифатида ўзбек тили ва унинг хусусиятлари кейинги юз йилда жуда катта ўзгаришларга, «қўлда тиғ тутган» «олим»ларнинг сунъий аралашувларига дучор бўлди. Бунга одамларимиз ўқиш-ёзишни ўрганган алифбонинг асоссиз равишда тез-тез ўзгартириб турилиши, жуда катта маънавий мерос ва хазинамиз бўлмиш тилимизни «оға»ларимизнинг тил хусусиятлари ва уларнинг сўзлари ҳисобига «бойитиш»га бўлган уринишларни ҳам қўшсак, муаммо моҳиятининг кўлами аён бўлади.

Навоийни кўя турайлик. У биздан қарийб олти юз йил нарида. Бугунимиздан юз йилдан озроқ олисдаги Абдулла Қодирийнинг асарларини ҳам луғатлар ёрдамисиз тўлиқ тушуниб етолмаймиз-ку. Қодирий, Чўлпонлар рамзий маънода айтганда, биз билан Навоий ҳазратлари ўртасидаги кўприк, биз билан Навоийни боғловчи йўл. Биз, айниқса фарзандларимиз буюк аждодларимиздан мерос қолган ёруғ ва улуғ йўлимизни — шу кўприкни қайтадан мустаҳкамлаб тиклашимиз зарур. Биз ўша давр тилига, сўзларига қайтишни эмас, тилни тушуниш ва ҳис этишга қайтишни назарда тутмоқдамиз.

Тарихимизни, ўзлигимизни, кимларнинг авлоди эканлигимизни, ота-боболаримиз кимлар бўлгани ва нима ишлар қила олганини янада теранроқ англаш, тарихни бир бутун тушуниш, яққол тасаввур этиш, яъни ўзликни англаш хусусан ёшларимизга маънавий куч-қудрат бахш этади, уларнинг ғурурини уйғотади.

Адабиёт ҳақида гапира туриб Юртбошимиз: **«Ёшларимиз Алишер Навоий асарларини севиши, ардоқлаши, юрак тўрида сақлаши керак. Бошимизга яхши-ёмон кунлар тушганда ҳаммамиз ҳам Алишер Навоийнинг ғазал ва достонларидан маънавий мадад оламизку»** — деган эдилар.

Навоий ҳазратларининг сеҳрли қаламидан тўкилган синоатли асарларни ўқимаган, бир-иккисини ўқиса ҳам тушунмаган киши ўқимасам ҳам, тушунмасам ҳам ҳеч нарса йўқотмайман, деб ўйлаши мумкин. Бундай кишини уммон бўйида туриб унинг ҳаётбахш сир-асроридан бебаҳра қолаётган одамдан нима фарқи бор?

Улуғ сўз санъаткори ҳақида гапирар экансан, Йўлбошчимизнинг мутафаккир шоир ҳақида, умуман адабиёт тўғрисида айтган гаплари бот-бот хотирага келаверади: **«Мен қаерда Алишер Навоийдан ёд ўқиган одамни кўрсам унга ҳавасим келади».** Ушбу самимий сўзларда инжа сўз санъатига беқиёс эҳтиром мужассам эмасми?!

Ҳазрат Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари моҳиятини қарияларни эъзозлаган, аёлларни мўътабар билган, етимесирларга меҳр-шафқат кўргизган, камбағал- муҳтожларга қайишган, кўприклар қурган, тақир ерга сув чиқарган, кўнгилларда маърифат чироғини ёққан, ёшларга муносиб таълим-тарбия берган, уларни эл-юрт корига ярайдиган қилиб тарбиялаган, одамларга ишлаш, яшаш учун имкон яратган, урушларнинг олдини олган, шаҳарларни кўркам, юртни обод, элни озод қилган ва умуман шу каби хайрли, савобли ишларга умрини бағишлаган инсон - хоҳ оддий фуқаро, хоҳ шоҳ бўлсин, даврон ичра обрў-эътибор топиши, авлодлар унинг номини ҳурмат билан тилга олиши хусусидаги мулоҳазалар ташкил этади.

Ўзининг бутун ҳаётини — ижоди ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятини эзгу ишлар ва амалларга бахш этган Мир Алишер Навоий ҳам, орадан салкам олти аср ўтгач эса, адабиётимиз мумтоз вакилларининг ижодини халқимизга, мустақиллигимизга қайтарган, унутилган номларни тиклаган, ижодкорларга ишлаш учун кенг имконият яратиб, иззатини ўрнига қўйган Йўлбошчимиз ҳам «даврон ичра эътибор топди»... ва топмоқда.

■ ***Салим АШУРОВ***

***

Суратда: **Чирчиқдаги Алишер Навоий ҳайкали**

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШМОҚДА

Исроил ҳарбий авиацияси Ливандаги қатор иншоотларни бомбардимон қилди. Шунингдек, Исроил давлати Ливан томонидан ракетали зарбалар давом этса, бомбардимон янада кучайтирилишини билдирди.

Айни пайтда шимолий ҳудудларда яшовчи исроилликлар портлашлардан жон сақлаш учун ертўлаларга яширинган. Ливан пойтахтида эса ҳаво ҳужуми оқибатида электр станцияси портлаб кетгани боис электр энергияси таъминоти тўхтаб қолган. Умуман портлашлардан 17 киши жароҳатланди.

Сўнгги кунларда Ҳизбуллоҳ ҳаракати жангарилари Ливан жанубидаги Исроил томонидан босиб олинган ҳудудларда 5 нафар исроиллик аскарни ўлдирган эди. Ҳаракат фаоллари эндиги ҳаво ҳужуми учун қасос олажагини айтмоқда.

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ

Хорватияда президент сайлови бўлиб ўтди. Мухолифатчилар йўлбошчиларидан бири Стиве Месич сайловнинг иккинчи босқичи натижалари бўйича 56 фоиз овоз олиб, президентлик лавозимини эгаллаш ҳуқуқини қўлга киритди. Асосий рақиблардан бири Хорватия социал-либералистлар партияси раҳбари Дражен Будиш 44 фоиз овоз олишга муваффақ бўлган.

ТАДБИРЛАРДА ҚАТНАШАДИГАН БЎЛДИ

Чили ҳарбийлари илк бор БМТнинг тинчликни сақлаш тадбирларида иштирок этадиган бўлди. Мамлакат қуролли кучлари вакилларининг маълум қилишича, яқинда 33 нафар ҳарбий Шарқий Тиморга жўнаб кетади ва БМТнинг у ердаги тинчликни сақлаш кучларига қўшилади.

САМОЛЁТЛАР ТЎҚНАШУВИ

Лос-Анжелес осмонида иккита енгил самолёт тўқнашиб кетди. Оқибатда тўрт киши ҳалок бўлди. Самолётнинг бири гольф ўйналадиган майдонга, иккинчиси эса катта йўл ёқасига қулаб тушган.

ДАРЁ ЗАҲАРЛАНДИ

Венгрияда Самош ва Тиса дарёлари атрофидаги ўттиздан зиёд аҳоли пункти кимёвий жиҳатдан хавфли ҳудуд, деб эълон қилинди. Ҳукумат бу дарёларда балиқ овлашни таъқиқлаб қўйди. Ушбу ҳудудларда экология хизмати, сув тозалигини сақлаш ва фуқароларни ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан назорат кучайтирилган.

Самош дарёсига цианид моддасини чиқариб ташлангани ана шундай экологик муаммони келтириб чиқарди. Зарарланган сув Тиса дарёсига ўтди. Мутахассисларнинг фикрича, энди бу дарёларда балиқчилик қилиб бўлмайди. Дарёларни аввалги ҳолига келтириш учун 10 йил вақт керак, демоқда улар.

ИНТЕРНЕТДА МУАММО

Интернет тармоғидан фойдаланувчилар орасида анчайин машҳур бўлган «Яҳу» компанияси бир неча соат давомида ишини тўхтатиб туришга мажбур бўлди. Компьютер бузғунчилари ҳаддан ортиқ кўп хат-хабар жўнатиш йўли билан унга ҳужум қилиб, серверлар фаолиятида узилишларни юзага келтирди. Компания мутахассислари ўтган душанба кунини фақат ана шу ҳужум асоратларини бартараф қилиш билан ўтказди.

Маълумотларга қараганда, «Яҳу» 90 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланган. Интернет ёрдамида бизнес қилаётган бу компания қанчалик бой тажрибага эга бўлса-да, лекин тажовузлардан кафолатланмаган экан, демак ҳали компьютер оламидаги муаммолар анча йиллар давом этади шекилли, дейишмоқда кузатувчилар.


Инсон бунёдкорликлари

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Хитой Ўзбекистоннинг қадимий, шу билан бирга ишончли ҳамкори ҳисобланади. Иккала мамлакатда ҳам бир-бирига қизиқиш, ҳамкорликнинг янги қирраларини излашга бўлган интилиш катта. Ўзбекистонда Хитой билан тузилган қўшма корхоналар муваффақиятли ишлаб турибди, фан, таълим, маданият соҳасида ишлар ҳам самарали бўлмоқда.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқалар Кенгаши қошида тузилган Ўзбекистон — Хитой дўстлик жамияти бу борадаги ишларни йўналтириб бораяпти. Жамиятга хитойлик меҳмонлар тез-тез ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг маданий-маърифий соҳаларда амалга ошираётган ишлари билан қизғин танишмоқдалар. Айниқса, икки мамлакат ўртасида маориф соҳасида алоқалар ривожланиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Шу алоқалар натижаси ўлароқ Ўзбекистондаги бир қанча олий ўқув юртларида Хитой тили марказлари очилиб, улар замонавий техник воситалар ва компьютерлар билан таъминланган. Талабалар хитой тилини катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганмоқдалар.

— Хитойда маданий-маърифий соҳада ўрганса арзийдиган янгиликлар, тажрибалар жуда кўп, — дейди дўстлик жамияти раиси Жамолиддин Бўронов. — У ерда ўқиш, ўқитиш ишларига алоҳида эътибор берилади. Хитой ёшлари илмга жуда чанқоқдирлар. Шу сабабдан улар ўзлари эгаллаган йўналишга ўта жиддий ёндошадилар. Бизнинг ёшлар ҳам «XXI аср — фан-техника асри» йўлидан бориб, ўзлари эгаллаган соҳани мукаммал ўрганмоқдалар. Айниқса, компьютерлаштириш жараёни изчил ўзлаштирилмоқда. Шу мақсадда жаҳон тиллари университетида хитой тили бўйича алоҳида хона ташкил этилди ва зарур ашёлар билан таъминланди.

Биз Хитойнинг расмий доиралари билан ўзаро мулоқотни, тез-тез учрашувларни ташкил этиб, долзарб масалаларни биргаликда ҳал этишга эътиборни қаратмоқдамиз. Бу ўринда Шинжон хорижий мамлакатлар халқ ассоциацияси вакиллари билан бўлган учрашув катта самара берди. Учрашувга ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Ли Цаин Паянь ташриф буюрди. Элчи жанобларини Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ордени берилгани билан қизғин табрикладик.

Дарҳақиқат, Хитойда маданий-маърифий соҳада тажриба алмашадиган нарсалар жуда кўп. Биз уларни синчковлик ва эътибор билан ўрганиб бормоқдамиз. Бу билан дўстлик алоқаларимиз тобора мустаҳкамланмоқда.

■ **Муқима АБДУЛЛАЕВА,**
Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ходими

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Шимолий Ирландияда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жаҳон ҳамжамиятининг, айниқса, Европа мамлакатларининг ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Зеро, бугунги кунда Европа Иттифоқи мамлакатлари Европа минтақасида ягона иқтисодий ва сиёсий бирлик ташкил этиш йўлидан илдам бормоқда. Минтақада бутунлай тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш орқалигина мазкур мақсадларга етишиш мумкин. Шу кунларда Буюк Британия ва Ирландия раҳбарлари Тони Блэр ҳамда Берти Ахерн Шимолий Ирландияда қуролсизланиш мавзуида музокаралар ўтказишмоқда. Албатта, бу борада олға силжишлар мавжуд, аммо етарлича эмас. Шуни алоҳида қайд қилишимиз керакки, Шимолий Ирландиянинг урушдан кейинги тарихида биринчи бор унинг аҳолиси тинч ҳаёт кечириши учун керакли бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Яқинда вилоятнинг асосий партияси бўлмиш Олстер юнионистлар ҳамда Ирландия республикачилар армиясининг сиёсий қаноти Шинн Фейн партияси шунингдек, яна бир қанча партиялар иштирокида коалицион ҳукумат тузилган эди. Фақатгина бир шарт билан, у ҳам бўлса, Шимолий Ирландиянинг Ирландия Республикаси билан бирга бирлашиш тарафдори бўлган Ирландия республикачилар армияси февраль ойи охирига қадар қуролларини топшириши керак эди. Афсуски, бу жараёнлар ҳали ўз якунига етгани йўқ. Шу сабабли, Буюк Британия ҳукумати тарафдори бўлган юнионистлар партияси етакчиси Дэвид Тримбл унинг партияси коалицион ҳукуматдан чиқишини маълум қилди. Коалицион ҳукумат тарқаб кетар экан, Буюк Британия ҳукумати мазкур ҳолатда Шимолий Ирландиянинг ҳокимиятини тўғридан-тўғри бошқаришини айтди. Лекин кузатувчиларнинг фикрича, мазкур муаммо тез орада барҳам топади. Энг муҳими, куни-кеча бир-бирига қарши тиш қайраган, узоқ давом этган фуқаролар урушининг бош иштирокчилари вилоятни биргаликда бошқаришга розилик бердилар. 25 йилдан буён биринчи бор Шимолий Ирландиянинг маҳаллий ҳукуматига протестантлар ҳам, католиклар ҳам кирди. Айни пайтда вилоят ҳукумати ўн нафар вазирдан иборат. Улар Шимолий Ирландиянинг барча сиёсий ва диний соҳаларини бошқаришади. Юнионистлар партияси билан биргаликда протестантларнинг демократик юнионистлари партияси, Шинн Фейн ва католикларнинг социал демократик ҳамда лейбористлар партияси вакиллари киритилган. Тинчлик томон қадам қўйилган бир пайтда Британия парламенти бир қатор ваколатларни Шимолий Ирландиянинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларига топшириш ҳақида қарор қабул қилган эди. Вилоятнинг қонун чиқарувчи ассамблеяси Шотландия ва Уэльс парламентлари каби мамлакатнинг ҳаёти учун муҳим бўлган қарорларни мустақил қабул қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Эндиликда иқтисодий ривожланиш, молия, қишлоқ хўжалиги, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бевосита Шимолий Ирландияда ҳал қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бир неча асрлардан буён Шимолий Ирландияга бевосита эгалигини даъво қилаётган Ирландия Республикаси парламенти ўз конституциясида вилоятга нисбатан ҳудудий даъволаридан воз кечди.

Албатта, Шимолий Ирландияда бутунлай тинчлик ўрнатилиши учун Ирландия республикачилар армияси ўз қуролларини топширишлари лозим. Қолаверса, қуролли гуруҳларни қуролсизлантириш бўйича халқаро жамият томонидан халқаро кузатувчилар комиссияси тайёрланган эди. Яқин вақт ичида собиқ жангарилар комиссияси раҳбари канадалик генерал Жон Дел Шасталейнга ўзларининг жанговар қуролларини батамом топширишлари лозим. Ана шундагина Европадаги қайноқ нуқталардан биридаги зиддият батамом якун топади.

■ **Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,**
сиёсий шарҳловчи

АВВАЛ ИҚТИСОД...

ЕВРО АТРОФИДАГИ ГАПЛАР

Яқин орада Европа Иттифоқининг навбатдаги саммити Португалия пойтахти Лиссабонда ўтказилади. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Чунки кейинги олти ой давомида Португалия Европа Иттифоқига раислик қилади. Унинг кун тартибига бугунги кунда Европа учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолар киритилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда Европа Иттифоқини ташвишга солаётган асосий муаммо бу — Европанинг ягона валютаси евро курсининг долларга нисбатан тобора тушиб кетаётганлигидадир. Ўтган ҳафта ўрталаридан бошлаб евро курси Америка долларига нисбатан анча пасайиб кетган. Эндиликда бир евро 97 центта тенг бўлиб қолди. Кузатувчининг хабар қилишича, евронинг тушишига Америка Қўшма Штатларидаги иқтисодий ўсиш борасида чоп этилган янги маълумотлар сабаб бўлган. Шу боис Европа марказий банки келаси ҳафтадан бошлаб еврони ҳимоя қилиш мақсадида молиялаштириш қийматини кескин ошириши мумкин. Бироқ, Лондон таҳлилчиларининг огоҳлантиришича, бундай чора Европа иқтисодиётининг бундан буён ривожланиш истиқболларини мураккаблаштиради. Шуни айтиш лозимки, Европада ягона пул бирлиги еврони ҳаётга тадбиқ этишга мана бир неча йиллардан буён катта тайёргарлик кўрилмоқда. Гарчи 1999 йилнинг 1 январида Европанинг ягона пул бирлиги жорий этилган бўлса-да, савдо-сотиқ пластик карточкалар билан амалга оширилаётган эди. 2001 йилдан бошлаб, расмий евро ҳаётга тадбиқ этила бошланади. Евронинг долларга нисбатан курси тушиб кетаётганлиги сабабли яқин ўртада ўтказиладиган Европа Иттифоқининг навбатдаги саммитида иқтисодий ва молиявий барқарорлик масаласи асосий ўринни эгаллаши кутилмоқда.

Евронинг вужудга келиши тарихи ҳақида тўхталадиган бўлсак, Совет иттифоқи тарқалиб кетгач ҳамда Форс кўрфазидаги уруш тугаганидан сўнг, АҚШ ва унинг валютаси дунёда асосий кучга айланди. 1993 йил Голландиянинг Масстрих шаҳрида ягона пул бирлигини жорий этиш тўғрисида Европа мамлакатлари раҳбарлари бир тўхтамга келишди. Имзоланган ушбу шартнома музокара бўлиб ўтган жойнинг номига Масстрих шартномаси деб аталади. Бу Европада сиёсий ва иқтисодий бирликни вужудга келтиришни асосий мақсад қилиб қўйди. Америкадек катта кучга ва унинг долларига рақобатлаша оладиган рақобатчига айланиши эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Зеро, бу йўлдаги биринчи қадам ягона валютани жорий этиш эди. Европа иқтисодчиларининг фикрича, уни ҳаётга тадбиқ этиш йўлидаги муаммоларни бартараф этиш учун умумий қарзлар ялпи маҳаллий маҳсулот миқдорининг 60 фоизидан ошмаслиги, инфляция нисбатини 3 фоиздан камайтириш керак эди. Ягона валютани ўзига хос ижобий томонларига келадиган бўлсак, иқтисодчиларнинг фикрича, евронинг муомалага киритилиши Европадаги умумий мувозанатни яхшилашга ҳамда йирик валюталарнинг қийматларини кескин ўзгаришлардан сақлашга хизмат қилиши керак. Шунингдек, европаликлар ягона пул бирлиги ўсиб бароётгани ишсизликни бартараф этишга кўмак беради деб ишонмоқдалар. Аёнки, Европада ишсизликнинг кўпайишига хориж мамлакатларидан айниқса, Туркиянинг Курдистонидан кўчиб келаётган курд қочоқлари ёки Яқин Шарқдан келаётган муҳожирлар сабаб бўлмоқда, дейиш мумкин. Чунки йирик корхоналар эгалари маҳаллий ишчилардан кўра, четдан келган арзон ишчи кучини афзал билишади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, фақаттина олти давлат — Франция, Германия, Австрия, Ирландия, Голландия ва Бельгия давлатлари ягона пул бирлиги киритиш учун мўлжалланган меъёрларни бажара олган. Айни пайтда Германия Европада ягона пул бирлигини тузишга эҳтиёжманд эмас эди. Чунки Германия маркаси Европа бозоридаги асосий валютага айланиб бўлган.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ҚИЗИҚ ТАҚДИРЛАР

ҚУРМАҒУР ЧАРЛИ ЧАПЛИН

Экранда жажжигина одам. У шамолдек айланади. Шу зумда коптокдек сакраб туради. Юзларини буриштиради. Ёввойи бир ҳолатда қийқиради. Ҳеч кутилмаганда йиғлаб юборади.

«Бечора Чарли Чаплин сигарет қолдиқларини ердан оларди» Йўқ. Аслида Чарли Чаплин ҳечам бечора эмас эди. У узоқ ва қизғин ҳаёт кечирди. 88 ёшида бу дунё билан хайрлашди. Оламга 80 та энг қизиқ фильмларни тақдим этди.

Буларнинг барига осонликча эришгани йўқ. Яшаш учун курашишга тўғри келди. Аҳён-аҳёндагина кимлардир шафқат қўлини чўзди. Унинг болалиги ғамгин кечди: отаси шаробхўрликка муккасидан берилган киши эди, у Чарли туғилгач, дом-даракси йўқолиб кетди. Онаси эса Лондоннинг арзон-гаров мусиқа гуруҳларида ишлаб рўзғор тебратар, руҳий касаллик билан оғрир, шифохоналарда даволанарди. Шу боис у болаликнинг азобларини тортганди. Очлиқдан ўлиб қолмаслик учун ёш Чарли сартарошхоналарда, театрларда турли хил ишларни бажарар, фаррошлик қиларди. Кутилмаганда унга бахт кулиб боқди. Ва бу бахт умрининг охиригача уни тарк этмади.

Чарли кино юлдузигина эмасди, у муҳаббатнинг қули ҳам эди. Тўғри, ўзи «муҳаббат ташвишлари» фақат зериккан чоғларида, яъни киносъёмкалар орасида мени банд қиларди, деб тан оларди. Аммо аслида бундай эмасди. Бу ташвишсиз у бирор сония ҳам яшамаганди.

Чарлининг кўп сонли жазманлари уни эркалаб «ноёб нусха», деб атардилар. Унинг ана шу жазманлари, муҳаббат ташвишлари билан кўп банд бўлиши ҳаётини мураккаблаштириб юборди, катта жанжалларга олиб келди. Гап шундаки, кино даҳоси 18 ёшгача бўлган қизларни яхши кўрарди. Унинг тўртта қонуний хотинидан учтаси мана шу олтин ёшда эди. Жами бўлиб улар Чарлига ўн битта фарзанд туғиб беришди. Буюк комиклнинг Ҳолливуддаги фаолияти даврида орттирган жазманларининг ҳисобига етиб бўлмайди. Унинг муҳаббат осмонида актриса Мабель Норман, ўша Первианс, Пола Нитри ва давр киноактрисалари Эдиа Марион Дэвис каби юлдузлар чақнаб ўтдилар. Бир вақт журналистлар уни кимсасиз Каталина оролида учратдилар. У беш марта турмушга чиққан ва беш эри ҳам миллионерлар бўлган ўта гўзал Пегги Джойс билан тўлқинларда сузарди.

Айтганимиздек, Чаплиннинг бундай «ишқбозлиги» унга кўп ташвишлар келтирди. Бариси у 1916 йилда танишган 14 ёшли Милдред Харрисдан бошланди. Барча қизларга у худди ҳозирги замон кинорежиссёрлари каби хушомад қиларди: у гўзал қизларни ўзи ишлаётган кинофильмда қатнашишга таклиф қиларди.

Милдредга ҳам, табиийки, келажакда уни машҳур киноактриса қилишни ваъда беради. Аммо, ҳеч кутилмаганда, у ҳомиладор бўлади. Бундан хабардор бўлган қизнинг онаси Чарлининг елкасига миниб олади: тамом, бўйнингни энди ҳеч ёққа буролмайсан. Ё қонуний никоҳингга оласан, ёки...

Бу, яъни уйланиш масаласи ҳали Чарлининг режаларига киритилмаган эди. Шунга қарамасдан, у «жанжалкаш» қайнонасига бўйсунди ва 1918 йилнинг 23 октябрида Милдред билан қонуний никоҳдан ўтди.

Дунё тасодифлар ва муаммоларга тўла: қайнона бекордан-бекорга шовқин-сурон кўтармаган экан. Хавотирлар, хомиладорлик ҳақидаги гап ёлғон бўлиб чиқди. Чарлини алдадилар. Тўғри, у анча хафа бўлиб юрди уни осонгина лақиллатганликлари учун. Аммо бир оз вақт ўтгач, ростдан ҳам Милдред болали бўлди. Аммо фарзанд уч кун ўтгач қазо қилади. Бу ойланинг бузилишига олиб келди. 1920 йилда улар қонуний ажрашдилар.

Чаплиннинг ҳаётидаги энг суронли ишқий можаролар унинг Лита Грей билан бўлган муносабатларида содир бўлди. Литани ота-онаси қаршилигига қарамай, Чаплин ўз студиясига олиб келди. Уни тарбиялади. Кино сирларини ўргатди. «Олтин жазаваси» киносини суратга тушираётган кезларида...

Хуллас, 1924 йилда Лита ҳомиладор бўлди. Ўша йили у энди 16 ёшга тўлганди, кино юлдузи эса 34 ёшга кирган эди. Аммо Чарли бутун вақтини ижодий ишга берар, турмуш қуришни хаёлига ҳам келтирмасди. Бордию бу ҳақда ўйласа, у даҳшатга тушарди. Шунинг учун у Литага болани «олдириш»ни ва агар у шунга кўнса 20 минг доллар беришини айтди. Ўша замон учун жуда катта миқдордаги бу пул Лита бошқага турмушга чиқса бериларди. Аммо Лита у кутганидан қайсарроқ эди. Чаплинни турмуш қуришга мажбур этди. Мажбуран қурилган ҳар қандай бино, жумладан оила ҳам унча мустаҳкам бўлмайди. Шунга қарамасдан, Чарли Лита билан икки йил бирга яшадилар. Жанжал-тўполонлар орасида улар икки фарзанд ҳам кўрдилар.

Лита унинг гулини ўзидан сўроқсиз узган Чарлидан охири қасд олишга ўтди. Уни кечирмадилар. Икки йил ўтгач, унинг ўзи Чарлидан қонуний ажралиш учун судга шикоят аризасини топширди. Бу катта шовқинларнинг сабабчиси бўлди, чунки унинг шикояти 42 бетдан иборат бўлиб, унинг ҳар бир нусхаси чорак доллардан сотила бошлади. Америкаликлар пул ишлашда нақадар зўр.

Лита ўз жабрловчисидан шундай қасд олди: у Чарли шу икки йил давомида бешта ўйнаш орттиргани (аслида кўпроқ эди) исбот қилди. Бундан ташқари, Чарлига ишқибозликнинг турли йўлларини таклиф қилди. Агар розилик бермаса, уни отиб ташлашга тайёр эканлигини айтди. Ҳатто баъзан унга тўппонча ҳам ўқталарди.

Баъзида Чарлига кишининг раҳми келади. Негаки, бу жанжаллардан сўнг Чарли ишқибозликка жуда эҳтиёткор бўлиб қолди. Унинг учинчи никоҳи — очилмаган сир. Аммо 1936 йилда актриса Полет Годаргга уйлангани ҳақида ёзув қолдирилган. Полет эрига унча таҳлика келтирмасди. У Чарлининг аввалги хотинидан қолган болаларини эътибор билан тарбиялади. Аммо асалга тушган арилардек хотинлар ёнидан кетмайдиган улуғ актёрни жанжаллар тарк этмади. 1941 йилда у кинога тушириш учун 22 ёшли Джоан Беррини таклиф этди ва тасодифан эҳтиётсизлик қилиб қўйди. Шундан кейин бу хоним Чарлини худди изқуварлардек кузатиб юрди: куннинг ҳар қандай чоғида таклифсиз бостириб кирар, унинг деразаларини синдирар, «ўзимни ўлдираман», дея қўрқитарди. Чарли унга пул бериб аёлни ўз она шаҳри Нью-Йоркка жўнатиб, қутилгандай бўлганди. Бироқ, бундай бўлиб чиқмади. 1943 йилнинг май ойида Берри Лос-Анжелесга келиб, унинг эшигини синдириб кирди ва 30 кеча-кундузлик қамоққа тушди.

Бу даврда Чарли Чаплиннинг янги ишқибозлик саргузашти бошланган эди. У америкалик машҳур драматург Юджин О, Нилнинг ўн етти ёшли қизи Уна билан учрашиб турарди. Аслида бу қизга Чарлининг ўғиллари хушомад қилиб юрардилар. Не ажабки, тажрибали ота ўғилларини доғда қолдириб, 1943 йилнинг июнь ойида ўз қалбини ва ҳаётини Унага таклиф этди. Шундай қилиб, Уна Чарлининг ҳисоб-китоб бўйича расмий никоҳдаги тўртинчи ва охирги хотини бўлди.

1952 йил Чаплин ва унинг суюкли умр йўлдоши Уна Америка билан абадий хайрлашдилар. Улар тоғли қорлар ўраб турган, гўзал манзарали Швейцариянинг тинч бир шаҳарчасига кўчиб келдилар. Шундан кейин улар яна етти фарзанд кўрдилар. Энг кейинги фарзандлари жажжи Чарли улуғ режиссёр 70 ёшга тўлганида дунёга келди. Умрнинг сокин фасли бошланди. Аёллар қалбининг «кушанда»си ўз қундалигига қамтарона ёзарди: «Агар мен Унани ёки унга ўхшаш бирор аёлни аввалроқ билганимда эди, менинг оилавий ҳаётимда ҳеч қандай муаммо бўлмас эди. Ўзим англамаган ҳолда Унани бир умр кутдим».

Аслида эса... Уна билан турмуш қурганидан кейин ҳам қурмағур Чарлининг «ишқибоз»лиги тез-тез тўғри йўлдан оғиб турарди. Нима ҳам дейиш мумкин, қатта карвоннинг йўли худди шундай кенг ва ғаройиб бўлган экан-да...

■ **Хориж матбуоти асосида Абдурасул ЖУМАҚУЛ тайёрлади.**

ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Бугун нафақат юртдошларимиз, балки озод ва обод мамлакатимизга ташриф буюрган ҳар бир хорижлик юксак мартабали меҳмон ҳам Ўзбекистонга сафарини ҳазрати Мир Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишдан бошлайди. Дунёнинг бошқа бирор мамлакатида шоирга бундай ҳурмат-эҳтиромни кўрмайсиз. Яқинда Олий Мажлис минбаридан юртбошимиз ёш авлодни улуғ бобомиз меросини янада чуқур ўрганишга даъват этди. Истиқлол шарофати билан Навоий ижодига қизиқиш беҳад ортди. Илгари илмий ва бадиий адабиётларда сохталаштириб келинган Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларидаги қарамақаршилик барҳам топди. Бир онанинг кўкрак сутини эмиб катта бўлган икки содиқ дўстнинг биродарлигига бағишланган янги асарлар пайдо бўлди. Янги аср арафасида хамсанавис шоир ҳақида «Янги Хамса» яратилди. Яхшиликни ёд этиш дунёни обод қилиш билан баробардир.

Кумуш қишнинг сўнгги ойи серқуёш Ўзбекистонда навоийхонлик учрашувлари билан бошланди. Шу кунларда олий ўқув юртларида, педагогик жамоаларда, академик лицей ва коллежларда шоир таваллудининг 559 йиллигига бағишланган кечалар бўлиб ўтмоқда.

Яқинда ана шундай қизиқарли учрашувлардан бири кўп минг сонли Тошкент Молия институти жамоаси билан бўлиб ўтди.

Институт ректори, Олий Мажлис депутати, академик Мурод Шарифхўжаев навоийхонлик кечасини очиб, ташриф буюрган азиз меҳмонларни талабаларга таништирди. Бу учрашувда Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, Беруний номли Давлат мукофоти соҳиби Азиз Қаюмов, Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номли Давлат мукофоти соҳиби Барот Бойқобилов ва шоир Давлатмурод қатнашди.

Бутун умри ва ақл-заковатини атоқли шоир ижодиёти сеҳрини ўрганишга бағишлаган сўз санъати мулкининг дарғалари суҳбатидан йиғилганлар ўта мамнун бўлишди.

Меҳмонлар завқ-шавқ билан не-не жаҳонгирлар қилич билан ишғол этолмаган мамлакатларни ўз қалами ва каломи билан забт этган Мир Алишер Навоийнинг гўзал ғазаллари, туғёнваш достонлари, ибратомуз панд-насиҳатларига тўхталдилар.

Навоийшунос олим Азиз Қаюмов «Фарҳод ва Ширин» ҳақида жўшиб-жўшиб сўзлар экан, «Муҳаббатгина дунёни тозартириб, ёвузлик уруғини қуритади», деди. Ва ёшларни она-Ватанга, дўсту ёронга, ёрга садоқатли бўлиб яшашга чорлади.

Ҳамсанавис адиб Барот Бойқобилов: «Янги Хамса» Мир Алишер Навоийга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромнинг рамзидир», — дея ўз сўзларига якун ясади. Шундан сўнг шоир ўзининг яқинда босмадан чиққан янги китоби — «Ўзбекнома»ни энг қобилиятли талабаларга тақдим этди.

Хуллас, бу тадбирда иштирок этган ёшлар шоир Навоийнинг жозибага бой ва бетакрор меросидан баҳраманд бўлдилар. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони яратган ўлмас ва мўъжизавий асарлар сеҳри кўпчиликни чинакамига мафтун этди.

***

Ҳамза номли Академик драма театри биносида куни кеча Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари учун ўтказилган маънавият дарси ҳам буюк мутафаккир Алишер Навоийга бағишланди. Ана шу тадбир шарофатидан эл осойишталиги посбонлари Ўзбекистон халқ шоири Барот Бойқобилов ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Азиз Қаюмов билан учрашдилар. Бу сафарги маънавият дарсида пойтахтнинг 11 та туманидан 800 нафардан ортиқ тингловчилар қатнашиб, отахон театрнинг эл севган санъаткорлари томошаларидан баҳраманд бўлдилар.

Хамсанавис адиб Барот Бойқобилов энг фидойи посбонларга ўзининг янги нашрдан чиққан китоби — «Ўзбекнома»ни тақдим этди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси бошлиғи, генерал майор Равшан Ҳайдаров бир гуруҳ ходимларга фахрий унвонлар топширди.

■ **Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ**

СПОРТ

«ПАХТАКОР» ЁДИ

Авиаҳалокатга учраган «Пахтакор — 79» жамоасининг хотирасига бағишланган турнир бошланганига қарийб 10 йил бўлаяпти. Бу мусобақага қизиқиш ортиб бораётганига сабаб, аввало собиқ пахтакорчилар ёдини эзъозлаш бўлса, иккинчи тарафдан турнирни янги мавсум арафасида ўтказилаётгани машқларни тобига етказишга имкон бераяпти. Бу йил жами 34 жамоа 2 минтақада баҳсларни уюштирадиган бўлди. Хусусан, Тошкент шаҳри ва вилояти минтақасида 24 жамоа 6 тадан тўрт гуруҳга бўлинган. Фарғона водийси минтақасида эса 10 жамоа 2 гуруҳда куч синашади. Водийда учрашувлар барвақт бошланди. Ҳозирча биринчи гуруҳда «Нефтчи» ва «Андижон» жамоалари тўрттадан очко тўплашди. Иккинчи гуруҳда эса «Навбаҳор» ва «Нефтчи-2» жамоалари ҳисобида 6 тадан очко бор. «Қайрат» футболчиларида 4 та очко. Бугун эса биринчи минтақада ҳам учрашувлар бошланади. «Пахтакор» — «Орол», «Металлург» — «Синтез» (Чимкент), «Ҳисор» — Ёшлар терма жамоаси футболчилари майдонга тушадилар. Минтақа ғолиблари ўртасида финал ўйини 11 августда бўлиб ўтади.

МАВСУМОЛДИ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакат футбол миллий чемпионатининг бошланишига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Олий ва биринчи табақа футбол жамоалари мавсумга шайликни муваффақиятли адо этиш учун учрашувларда ўз имкониятларини чамалашга зўр бермоқдалар. Мавсумолди ўртоқлик учрашувлари эса муҳлисларда яхши таассурот қолдирмоқда. «Трактор» — «Орехово» (Украина) — 1:1, «Пахтакор» — ЦСКА (Алмати) — 4:1, «Металлург» — МҲСК — 3:0, «Роҳат» — «Қизилқум» — 2:2, «Семурғ» — «Қайсар» — 1:0, «Гулистон» — «Сўғдиёна» — 3:4, «Самарқанд» — «Насаф» — 6:3.

АСОСИЙСИ КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Оролбўйи аҳолисининг саломатлигини яхшилашда талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, онкологик илмини ривожлантириш, онкология касалликларига чалинган беморларни даволаш, уларга диагностик ва профилактик ёрдам кўрсатишнинг сифатини яхшилаш мақсадида Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон экспериментал ва клиник тиббий илмий-тадқиқот институтининг ошқозон-ичак йўли ракини текшириш бўлими ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика онкология диспансери базасида Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тизимида Қорақалпоғистон Республикаси онкология илмий маркази ташкил этилди. Илмий марказ замонавий асбоб-ускуналар билан жизоҳланган бўлиб дастлабки ишлар бошлаб юборилди.

Онкологик касалликларни аниқлаш, даволаш ва унинг олдини олиш илмий марказнинг асосий вазифасидир.

Илмий марказга тиббиёт фанлари доктори М. Қабулов раҳбарлик қилмоқда.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ «Ўзбекистон овози» мухбири**



Қандай мазза *Камолиддин ТЎРАЕВ олган сурат*

БОҒИ БОРНИНГ БОЙЛИГИ БОР

Ўзбекистон Фанлар академияси фахрий академиги, хизмат кўрсатган агроном «F-1», «F-2», «F-3», «F-4» — Тошкент ҳамда «Яланғоч» лимон навларини яратиб, дунёга машҳур бўлган Зайниддин ҳожи Фахриддинов бугун 80 ёшга тўлди.

Қибрай аҳли, қолаверса барча тошкентликлар 50 йил муқаддам узоқдан олиб келинган бир неча ўн туп лимон кўчатлари йилига минглаб тонна «олтин олма» ҳосилини беришини, бу жаннатга келган ҳар бир одамга мазкур лимон туплари ўз шохлари билан «салом» беришини ўйламаган ҳам эдилар. Зайниддин Фахриддинов бутун умри давомида дунё ўсимликларини Ўзбекистон ерида етиштириш имконияти борлигини амалда исботлаб, нафақат ён-атрофидагиларни қолаверса, ватанимиз халқини ишонтира олган инсон.

Лимон, банан, фикус, каучик, кактус дарахтлари, жасмин, хурмо, апельсин, мандарин, бамбук, лавр — инсон қўллари билан ўзбек ерида етиштирилган сархил цитрус ўсимликлар рўйхатидир.

Бугун Зайниддин отанинг ишларини унинг шогирдлари 50 гектарлик муҳташам лимончилик хўжалигида давом эттирмоқдалар.

Халқимиз бекорга «Боғи борнинг — бойлиги бор», «Яхши одам ўзидан боғ қолдиради» деб бежиз айтмаган.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**
Владимир ПАНОВ олган сурат

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Табиий газ — фаровонлик белгиси

Самарқанд вилоятида аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида бугунги кунда вилоят газ бошқармаси томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Буни ўтган 1999 йилда 576,8 километрга катта ўрта ва кичик газ қувурлари тортилганлигидан ҳам билса бўлади. Агар рақамлар кўрсаткичини туманлар бўйича кўриб чиқадиган бўлсак, Ургутда 79,4 км., Оқдарёда 73,3 км., Нурободда 56,7 км., Қўшработда 36,2 км. масофага газ қувурлари ётқизилганлиги аён бўлади. Ёки вилоят бўйича 1999 йилда 108 та ўрнига 113 та қишлоққа газ етказиб берилди. Эндиликда газлашган қишлоқларнинг умумий сони 1266 тага етди. Бу дегани, 4861 та хонадон газлаштирилган бўлиб, 85,6 фоизни ташкил этади. 2000 йилдан 2010 йилгача қолган қишлоқларни ҳам тўлиқ газлаштириш режалаштирилган.

Шу ўринда Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳар газ бошқармалари таҳсинга лойиқ ишлар олиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Каттақўрғон шаҳрида 36 та маҳалла бўлиб, 20030 хонадон газлаштирилган, Самарқанд шаҳрида эса 245 та маҳалланинг барча хонадонлари табиий газ билан тўлиқ таъминланган. «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида»ги Президент Фармонини бажариш бўйича бу ерда аниқ амалий ишлар қилинди.

— Каттақўрғонда фойдаланилган газ учун тўловларни 100 фоиз бажарган 31 та маҳаллага Фармонда таъкидланганидек, тушумнинг маълум фоизи, яъни 2 миллион 621 минг сўми кам таъминланган оилаларга ҳамда маҳаллаларни ободонлаштириш ишларига ёрдам сифатида ўз-ўзини бошқариш органлари ҳисоб-рақамига ўтказиб берилди, — дейди Каттақўрғон шаҳар ҳамда Ингичкақўрғон газ бошқармаси бошлиғи Барот Ярматов.

Айтиш жоизки, аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида вилоят газ бошқармаси қошида ташкил этилган 2-механизациялашган кўчма жамланма жамоасининг ҳиссаси каттадир. Ўтган давр ичида 2-МКК қурувчилари жами 1200 км. га турли ҳажмдаги газ қувурларини тортиб, 100 мингдан ортиқ хонадонни табиий газ билан таъминлашди.

— Корхонамиз давлат буюртмаси асосида иш олиб боради. XX асрнинг охирги йилини яхши кўрсаткичлар билан адо этамиз, — дейди корхона раҳбари Муртазо Кенжаев. — Корхонамиз ўтган йили вилоятнинг Ургут туманида 46 млн., Иштихон туманида 48 млн., Нуробод туманида 26 млн., Пастдарғом туманида 18 млн., Каттақўрғон туманида 18,6 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарганликлари диққатга сазовордир.

Бинобарин, қаерда иш тўғри ташкил этилса ва ижтимоий муҳофаза юқори даражада бўлса, ўша ерда иш унумли бўлади. Чунки ишчи-хизматчиларга яратилаётган шароит, узлуксиз ойлик маош ва ишчиларни қўллаб-қувватловчи бошқа тадбирларнинг ўз вақтида ўтказиб турилиши улар кайфиятига кўтаринкилик бахш этади.

Корхонада 150 га яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Спорт тўгараклари, маънавият-маърифат хоналари улар хизматида.

Корхонанинг 80 гектар унумдор ери, 300 га яқин қорамоли бор. Шу ёрдамчи хўжалик ҳисобидан сут ва сут маҳсулотлари, полиз, картошка, мева маҳсулотлари бепул бериб борилади. Ўтган йили ҳатто шу ёрдамчи хўжаликда етиштирилган шоли ва буғдой ишчиларга 50 фоиз арзон нархда сотилди. Бундан ташқари ишчиларнинг меҳнат таътили пайтида республикамизнинг гўзал зиёратгоҳ жойларига бепул саёҳатлар уюштириб турилибди. Корхона раҳбариятининг бундай ғамхўрлигидан ишчилар мамнун.

Жамоанинг саксон фоизини ёшлар ташкил этади. Шуни ҳисобга олиб ёшлар малакасини ошириш, келажакда иқтидорли мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда ҳафтада бир кун ўз мутахассислиги бўйича ёшлар ўртасида ўқувлар ташкил этилган. Бу ўқув жараёнида кўп йиллик тажрибага эга бўлган фахрийлар ва илғорлар — Исмат Йўлдошев, Абдуқодир Одилов, Салим Мамадиев, Фарҳод Баҳриев, Рустам Ҳамроев, Шавкат Тўйчиев, Неъмат Пирматовлар ёшларга ўз билим ва малакаларини ўргатиб келмоқдалар. Демак, бугунги куннинг долзарб муаммоси — кадрлар масаласи ҳар дақиқа жамоа эътиборида.

■ **Ўткир ПЎЛАТОВ**

Суратларда: ***1) ўнгдан: 2-МКК бошлиғи Муртазо Кенжаев, Самарқанд вилоят газ бошқармасининг қурилиш бўлими бошлиғи Хуршид Пўлатов, 2-МККнинг илғор иш бошқарувчиси Исмат Йўлдошевлар янги лойиҳани муҳокама этишмоқда. 2) Газ трубаларига ҳимоя чоралари қўлланилаётган пайт.***

ҲИКМАТЛАР ЎЙЛАНМАСИ

Азиз газетхон! Қуйидаги мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳикматларидаги сўзларни топинг. Жавоблар асосида шакл айланаларидаги рақамларни таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб ўйланма «очқичи»ни ҳал этинг.

1. Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано 3, 15, 13, 1, 9, 4.
Икки жаҳонингга тиларсан фазо,
Ҳосил эт, ушбу иккисидан ризо
Тун-кунингга айлагали нур фош,
Бирисин ой айла бирисин қуёш.

2. Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким, йўқ 12, 4, 2, 16 ғамидин ғами.

3. Ўзидин элга дарё қатраосо,
Вале элдин ўзига қатра дарё.

6, 2, 6, 17 аҳволидин сен бўл баруманд,
Йўқ улким, олгай афъолингдин эл панд.

4. Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
14, 2 анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра ғар қизил гул битса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

5. Сўз гуҳарига эрур анча шараф,
Тенг бўлса олмас анча гавҳар-садаф
Ганж бериб бўлмас экан тутса кўз,
Улча қилур вақтида бир 10, 12, 13, 1 сўз.

6. Аҳли маъни гуруҳида зинҳор,
Ҳеч ор айлама гадолиғдин.
Ким буларга гадолиғ ортиқдур,
4, 11, 2, 1 суратга подишолиғдин.

7. Қайси фанга киши ишқи тушиб ўрганаркан онда,
Кишидин яхши от қолгай албатта жаҳонда.
Имконинг борича илм олмоқ 3, 8, 2, 17, 1, 7 шиоринг,
Ки яхши от қолгай жаҳонда бўлиб ёдгоринг.

8. Деди: Кўп сўзлаган 12, 4, 5, 15 кўз этар,
Улки дерлар ани валюллоҳ,
Ҳар балоким етар эрур сўздин,
Бўйла ҳукм айдади набиюллоҳ.

Шаклдаги эгри чизиқлар йўналиши бўйича нуқталар қаршисидаги ҳарфларни соат мили йўналишида ўқинг. Ундан буюк ижодкор қаламига мансуб яна икки мисра ҳикмат аён бўлади.

«Ватан ўғлонлари» ўйланмаси жавоблари:

Белгиланган хонадан соат мили бўйича рақам атрофига: 1. Аскар. 2. Радар. 3. Сапёр. 4. Сурон. 5. Садоқ. 6. Взвод. 7. Заряд. 8. Армия. 9. Мушак. 10. Парад. 11. Лазер. 12. Фронт. 13. Спорт. 14. Ниқоб. 15. Рация. 16. Ватан. 17. Наган. 18. Найза.

Шакл атрофига «занжир» ҳолида:

19. Манжаниқ. 20. Қуролсизланиш. 21. Штаб. 22. Батарея. 23. Яроғ. 24. Ғалаба. 25. Автомат. 26. Тўп. 27. Патрон. 28. Нишон. 29. Навкар. 30. Ракета. 31. Абдуллаев. 32. «Ватанпарвар». 33. Рота. 34. Аэростат. 35. Танк. 36. Корпус. 37. Самарқанд. 38. Доктрина.. 39. Авиация. 40. Ядро. 41. Охунжонов.

Муаммонома. Ҳикмат: Ватан хавфсизлиги посбонга боғлиқ.

■ **Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ**



ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси катта илмий ходим Ш. Иноғомовга укаси
Хуршид ИНОҒОМОВнинг
бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Собир Раҳимов тумани «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари ҳоким ўринбосари Улуғбек Аҳмедович Хайитовга отаси, уруш ва меҳнат фахрийси
АҲМАД отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши мазкур тумандаги 27-сон болалар боғчаси собиқ мудираси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи
Фотима Қосимовна АҲМЕДОВанинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши «Ялла» гуруҳининг раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Каримович Зокировга мунис онаҳонлари
Шоҳиста ая ЗОКИРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбексавдо» Акциядорлик Компанияси бошқаруви ва жамоаси савдо соҳасида кўп йиллар хизмат қилган савдо ходими
Хуршид Ҳасанович
ИНОҒОМОВнинг
бевақт вафот этганлиги сабабли марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби вазирлик Бирлашган таҳририяти қошидаги «Қалқон» студияси директори Жамшид Зокировга онаси
ШОҲИСТА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80,133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

НАВБАТЧИ
Юсуф ЖЎРАЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

САҲИФАЛОВЧИ-ДАСТУРЧИ
Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: *Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 092

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 23.30
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА